

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Данғара тумани Мактабгача

таълим бўлими мудири

Г.Н.Раҳмонова

2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

Данғара тумани Мактабгача таълим бўлими

*Данғара тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги
давлат мактабгача таълим ташкилотларига қўйиш панеллари
сотиб олиш ва ўрнатиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш*

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлигининг “Харид тартиб-тамоийилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Данғара тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига қуёш панеллари сотиб олиш ва ўрнатиб берувчи етказиб берувчилар томонидан энг яхши таклифлар жалб қилинади.

1.1. Танловнинг охириги қиймати—**121 000 000 сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати—буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2. Данғара тумани Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин—“Буюртмачи” деб аталади)—танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.1. “Буюртмачи” Данғара тумани Мактабгача таълим бўлими почта манзили _____, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Данғара тумани, Увайсий МФЙ, Амир Темур кўчаси.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.1. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 50 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни мавжудлиги ҳақида банк қафолатномаси, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори;

-солиқ ва мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлик ҳақида маълумот;

-танловга қўйилган маҳсулотларга тегишли бўлган мувофиқлик сертификати ҳамда гигиенический сертификати мавжудлиги;

-иштирокчи ишлаб чиқаришимол-мулки ва объектлари ҳақида фотолар, кадастр ҳужжати нусхаси ва ишлаб чиқариш дастгоҳларидан фотосуратлар;

-маҳсулотларни ўз вақтида ва белгиланган манзилларга етказиб бериш ҳақида қафолат хати.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.4. Танлов иштирокчилари—талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.